

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“Андижон нефт базаси” МЧЖ**

**Директори**

**Қ.Юсупов**

**2022 йил**



## **БУЮРТМАЧИ: “Андижон нефт базаси” МЧЖ**

**“Андижон нефт базаси” МЧЖ да 2022 йил  
белгиланган қонун ва бошқа меъёрий хужжатларга  
асосан беш йилда бир мартаба градуировка  
хужжатларини тайёрлаш  
ташкilotни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Андижон-2022**

## Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

### I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### II. Техник қисм

### III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2021 йил 23 апрел №0367-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 “Андижон нефт базаси” МЧЖ 2022 йил учун беш йилда бир мартаба градуировка ҳужжатларини тайёрлаш ташкилотни танлаш ва текширувдан ўтказиш ҳисоботларни текширувдан ўтказиб хулоса бериш.

1.2. Танлов объектини тахминий қиймати \_\_\_\_\_  
( ) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан градуировка ҳужжатларини тайёрловчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 ишкунни.

1.5. Градуировка текширувни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Андижон нефт база” МЧЖ, (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳар, А. Ашуров кучаси, 10 уй

Эл. адрес: [andnbuk@inbox.uz](mailto:andnbuk@inbox.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тартибда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, Градуировка текширув ўтказишга лицензия (руҳсатномаси) бор ва тажрибага эга бўлган, барча юридик мақомга эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар қуйилади: шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;  
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми  
(50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);  
Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонуңчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
қайта ташкил этилиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган,  
мулки мусодара қилинган ёки хатлаб қўйилганлар ҳамда ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предмети билан жойига чикиб ўрганиш, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми билан танишиш, градуировка текширув учун зарур бўлган маълумот олиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) мурожаат қилишга ҳақлидирлар.